

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Мавзу: Муаллифлик ҳуқуқи

КУРС ИШИ

Бажарди: 2-ҳуқуқ 3 курс А поток

3-гуруҳ талабаси Авезов Дилшод

Текширди: Қ.Мехмонов

ТОШКЕНТ – 2009

Режа:

Кириш.

1.1.Муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси ва мазмуни.

1.2.Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари.

1.3.Асар муаллифи ва ҳаммуаллифлик, ҳосила асарларнинг муаллифлари.

1.4.Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя белгилари.

1.5.Муаллифнинг шахсий-номулкий ҳуқуқлари.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгандан кейин ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кескин ижобий сифат ўзгаришлари рўй берди. Мамлакат иқтисодий тизими тубдан янгиланиб, унинг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди. Бозор иқтисодиёти тизимини шакллантириш фуқаролик қонунларини тубдан қайта кўриб чиқишни, мутлақо янгидан-янги қонунлар қабул қилинишини тақозо қилди. Жамиятдаги мулкчилик ва мулкый муносабатларнинг мазмун-моҳияти ўзгарди. Хусусий мулк ўз қонуний асосларига эга бўлди ва иқтисодиётда тадбиркорлик негиз вазифасини бажармоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни муваффақиятли амалга оширилмоқда, мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки сиёсий барқарорликни таъминлаш, юртимизнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлида асосий таянч бўладиган мулкдорлар синфи шакллантирилмоқда. Мулкый ҳуқуқлар мазмуни ўзгариши билан бирга, мол-мулк объектлари доирасида ҳам ниҳоят даражада кенгайди. Жумладан, инсон ижодий фаолияти натижалари, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг индивидуаллаштириш воситалари мол-мулк сифатида тўла эътироф этилди. Натижада мулкый ҳуқуқлар мажмуида янги тизим-интеллектуал мулк ҳуқуқи вужудга келди. Бу тизим янги Фуқаролик кодексида, қатор қонунларда (Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги, Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги, Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги, Селекция ютуқлари тўғрисидаги, Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва шу каби қонунларда) ўзининг легал ифодасига эга бўлди. Шунини айтиш керакки, ижод эркинлиги ва унинг натижалари соф моддий ҳуқуқдан фарқли равишда, амиятнинг иқтисодий, ҳам маънавий турмушида ўз илдизларига эга. Бу илдизларнинг уйғунлиги, моҳияти ва аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан мустақиллигимиз илк давриданок белгилаб қўйилган қуйидаги вазифаларда

Ўзининг теран ифодасини топган эди: “иждодинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб республикаимиз чинакам мустақиллигини ва равақ топишини таъминлаб бўлмайди”¹. Бинобарин, иждо эркинлигининг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари белгиланганлиги шунчаки замонасозлик учун қилинган безак эмас, балки иқтисодий ривожлантиришнинг зарурий шартидир. Фан ва техника ютуқларини қўллаш-тараққиётнинг узлуксизлигини таъминловчи манбадир.

1.1. Муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси ва мазмуни.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. –Т.: 1999.- 22 б.

Маълумки, тирик мавжудотлар ичида онгли равишда фаолият юритиш фақат инсонгагина хос бўлган хусусият ҳисобланади. Айнан ана шу хусусияти билан у туғма (табиий) инстинкт асосида ҳаёт кечирадиган ҳайвонот оламидаги бошқа жонзотлардан ажралиб туради. Онгли фаолиятнинг асосий белгилари бу ўй-фикрлаш, мушоҳада-мулоҳаза юритиш асосида фаолиятни амалга оширишни режалаштириш ва уни амалга оширишда намоён бўлади. Бироқ инсон онгли фаолиятининг ўзи ҳам нихоятда серқирра ва мураккаб жараён, борлиқ дунёга таъсир этувчи фаол ва таъсирчан кучдир. Шунга қарамай, онгли фаолиятни амалга оширишда инсон ақли, интеллектининг таъсир даражасига қараб, уни шартли равишда икки турга ажратиш мумкин: одатдаги, такрорий меҳнат ва ижодий (интеллектуал) меҳнат. Одатдаги меҳнат, айтиш мумкинки, механик равишда, кўникма, тажриба асосида ўз-ўзидан рўй беради, бунда инсон интеллектуал салоҳияти бу тажриба, кўникмани даставвал ўзлаштириб олишига қаратилса, сўнгра эса уни маълум схема, қолип асосида амалга оширилиши устидан назорат қилади. Бинобарин, бунда фаолиятни амалга ошириш усуллари, воситалари ва унда қўлланиладиган ҳаракатлар ҳам, бу фаолият натижасида вужудга келадиган натижалар ва оқибатлар ҳам аввалдан маълум бўлади. Масалан, дурадгор, бинокор ёки уй бекаси меҳнати. Теварак-атрофимиздаги барча кишилар, шу жумладан, ўзимиз ҳам амалга оширадиган одатдаги, кундалик, такрорланиб турувчи жараён худди шу фаолиятнинг ўзига хос тарзда намоён бўлиши десак янглишмаймиз. Айни вақтда бундан инсон ақли бу жараёнда пассив роль ўйнайди, деган хулоса чиқармаслик керак, чунки ҳазрат Навоий айтганидек:

Деди: Не ишки қилмиш одамизод

Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Одатдаги, кундалик онгли фаолиятда тафаккур бу жараённи ўзлаштирувчи, режалаштирувчи, бошқарувчи ва кузатиб боровчи функцияларни бажаради ва усиз бу жараён, албатта, амалга ошмаган бўлур эди. Бироқ бу фаолият ўз моҳиятига кўра, формал мантикий қоидалар ёки бошқа

олдиндан маълум бўлган қолиплар, йўл-йўриқлар, қўлланмалар бўйича тайёр ўй-фикрларнинг такрорланиши, қайта ҳосил бўлишида ифодаланувчи такрорий ҳосила (репродуктив) фаолият ҳисобланади. Масалан, ўқитувчининг Пифагор теоремаси мазмунини ўқувчиларга тушунтириши ва уни исботлашни ўргатиш бўйича фаолияти бунга яққол мисолдир.

Одатдаги меҳнатдан фарқли равишда интеллектуал (ижодий) фаолиятда инсон онги, ақли, тафаккури мавжуд, ҳаммага маълум қоидаларни ўзлаштириш, такрорлаш асосида эмас, янги, илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган қоидалар, усулларни вужудга келтириш асосида бўлиб беради. Шу сабабли ҳам ижодий фаолиятни фан, техника, адабиёт ва санъат соҳасида янги, ижодий мустақил натижага эришиш (маҳсулот яратиш) билан тугалланадиган ақлий (тафаккур, интеллектуал) фаолият деб таърифлаш мумкин. Бундай фаолиятни самарали (продуктив, яъни репродуктив –такрорий ҳосила фаолият учун бирламчи асос, манба) деб ҳисоблаш мумкин. Ижодий фаолият, ижодий ёндашув ҳар қандай ривожланиш, тараққиётнинг ўзига хос манбаидир. У инсон онгли фаолиятининг ҳамма йўналишларида ва соҳаларида мавжуд. Агар инсон онгли фаолияти фақат кундалик, одатий, оддий меҳнат фаолияти даражасидагина қолганида эди, жамиятда ҳеч қандай ривожланиш, тараққиёт ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас эди. Бошқача айтганда, инсоният маълум бир тараққиёт босқичида тўхтаб қолган бўлур эди.

Юқорида таърифланганидек, ижодий фаолият инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олган. У табиат ҳодисаларини, жамият қонуниятларини ва билиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам ижодий фаолият фақат фан, техника, адабиёт, санъат, бадиий безаш (дизайн), маҳсулот ва хизмат белгиларини яратиш соҳаларидагина мавжуд деб ҳисоблаш бу фаолият соҳасини маълум жиҳатдан торайтиради ва реал воқеликка тўла мос келмайди. Аслини олганда, ҳар бир инсон ўзига хос ижодкордир, у ўз умри давомида у ёки бу соҳада янгилик яратишга қодир ва яратади ҳам. Бироқ бу янгилик кўп ҳолларда ҳуқуқий муҳофаза қилиш учун зарур қонуний чоралар кўрилмай қолиб кетади (масалан, уй бекаси томонидан биринчи марта ўйлаб чиқарилган

салат ёки дурадгор томонидан ўйлаб чиқарилиб, ёғоч буюмга солиб ишланган янги нақш). Бинобарин, кишилиқ жамиятини, ўзига хос ижодкорлар жамияти, деб айтиш мумкин. Маълумки, ҳар қандай ижтимоий муносабат ҳам ҳуқуқ билан тартибга солинавермайди, шу маънода ҳар қандай умумий маънодаги ижодий фаолият ҳам ҳуқуқий муносабат объекти бўлиши учун маълум талабларга жавоб бериши шарт. Бу талаблар умумий ва махсус талабларга бўлинади. Умумий талаблар ҳар қандай ижодий фаолиятга нисбатан тааллуқли бўлса, махсус талаблар ижодий фаолиятнинг айрим соҳалари маҳсулотларига нисбатангина қўйилади.

ФКнинг 1041-моддасига асосан, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт, санъат асарларига, унинг мақсади ва кадр-қиймати, шунингдек, ифодаланиш усулидан қатъий назар, жорий этилади.

Ҳар қандай асар муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида муҳофаза этилиши учун у ижодий фаолият маҳсули бўлиши шарт. Шу сабабли ҳам оддий, кундалиқ ҳаётдаги сўзлашувлар, мулоқотлар муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланмайди. Ижодий жараён бу энг аввало, инсон тафаккури, ақлий фаолият маҳсули бўлиб ҳисобланади².

Интеллектуал мулк объектлари доираси биринчи марта Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС)ни таъсис этувчи 1967 йил 14 июлдаги Конвенциянинг 2-моддаси 8-бандида берилган. Унда кўрсатилишича, интеллектуал мулк қуйидагиларга нисбатан юзага келадиган ҳуқуқларни ўзида ифодалайди:

- адабий, бадий ва илмий асарларга нисбатан;
- артистлар, овоз ёзиш, радиоэшиттиришлар ва телевизион кўрсатувларининг ижрочилик фаолиятига нисбатан;
- инсон фаолиятининг барча соҳадаги ихтироларига нисбатан;
- саноат намунасига нисбатан;
- товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номи ва тижорат сирларига нисбатан;

² Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: “Адолат”, 2000 йил.

-ноқонуний рақобатдан ҳимояланишга нисбатан;
шунингдек, ишлаб чиқариш, илмий, адабий ва бадиий соҳадаги интеллектуал мулкка тааллуқли барча бошқа ҳуқуқларга нисбатан.

Ҳуқуқий адабиётларда ижодий жараёнинг икки ҳолати таъкидлаб кўрсатилади:

А) асар яратиш жараёнининг онгли, интеллектуал характери;

Б) яратилган асарнинг янгилиги, оригиналлиги³.

ФКнинг 1041-моддасига асосан, асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. Ёзма шаклда ёки моддий жисмда ўзгача усулда ифодаланган асар унинг учинчи шахслар учун фойдаланиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, объектив шаклга эга ҳисобланади⁴.

Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиши учун асар тугалланган бўлиши шарт эмас. Шу сабабли асар тугалланмаган бўлса ҳам, агарда уларда ижодийлик унсурлари мавжуд бўлса, муаллифлик ҳуқуқининг мустақил объекти ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи эълон этилган (нашр этилган) ва шунингдек, нашр этилмаган, ҳали қўлёзма ҳолатида бўлган асарларга бирдай жорий этилади.

Муаллифлик ҳуқуқини вужудга келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирор расмийликка риоя қилиш талаб этилмайди. Ҳолбуки, интеллектуал фаолиятнинг бошқа объектлари бўйича ҳуқуқий муҳофаза бу объект ваколатли давлат идораси томонидан махсус муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома) олгандан кейин вужудга келади.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф этилаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан (агарда улар илмий асар сифатида объектив шаклга солинмаган бўлса) жорий этилмайди. Расмий ҳужжатлар, шунингдек уларнинг расмий таржималари, расмий рамзлар, халқ ижодиёти асарлари, оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар, инсоннинг

³ Гражданское право. Т.2. //Под ред. Е.А.Суханова. -М.: Изд. БЕК. 1994 йил.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т: “Адолат”, 1997 йил.

бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштирокисиз муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар (масалан, робот томонидан басталанган мусиқа, ёзилган шеър) ҳам муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиб ҳисобланмайди⁵.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари қуйидаги турлардан иборат:

Адабий асарлар (абадий-бадий, илмий, ўқув-публицистик ва бошқалар);

Драматик ва сценарий асарлар;

Матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;

Мусиқали-драматургик асарлар;

Хореография асарлари ва пантомималар;

Аудиовизуал асарлар, радиоасарлар;

Рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлар ва бошқа тасвирий-оммавий санъат асарлари;

Манзарали-амалий ва сахна беағи асарлари;

Фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

Жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли чизмалар, эскизлар, шарҳлар;

Барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, шу жумладан, амалий дастурлар ва операция тизимлари.

Муаллифлик ҳуқуқи субъектлари ичида фан, адабиёт, санъат асарларини ижодий меҳнати билан яратган шахс-муаллиф алоҳида ўринни эгаллайди. Фуқаронинг муаллифлик субъектив ҳуқуқи вужудга келиши, фан, адабиёт ёки санъат асарларининг муаллифи сифатида эътироф этилиши унинг ёшига, ақли ва руҳий ҳолатига, асарнинг яратилиш жойига, нашр этилган-этилмаганлигига боғлиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган ёки объектив шаклда мавжуд бўлган асарни яратган шахснинг муаллифлик ҳуқуқи унинг қайси давлатнинг фуқаролигидан қатъий назар, тан олинади.

⁵ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: “Адолат”, 2000 йил. 401-бет.

Асари хорижда нашр этилган ёки қўлёзма ҳолида хорижда сақланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муаллифлик ҳуқуқлари ҳам тан олинади. Агарда бундай шахс хорижий давлат фуқароси бўлса, унинг муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномалар асосида белгиланади.

Гарчи асарни яратишда қатнашмаган бўлса-да, муаллифнинг ҳуқуқий ворислари бўлган шахслар ва юридик шахслар ҳам муаллифлик субъектив ҳуқуқларининг субъекти саналади. Бундай тоифадаги субъектларга муаллифнинг барча ҳуқуқлари эмас, балки асардан фойдаланиш бўйича маълум ҳуқуқларгина ўтади, холос. Муаллифлик субъектив ҳуқуқининг бундай тарзда ўтиши мерос ёки муаллиф билан тузилган шартнома асосида рўй беради⁶.

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига асосан икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи мазкур асар бўлинмас, бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъий назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Ҳаммуаллифлар томонидан яратилган ягона асарга нисбатан уларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро муносабатларини, умумий мулк институтини биргаликдаги мулк ва ҳиссали мулкка нисбатан шерик мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро муносабатларига қиёслаш мумкин, зеро бундай ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ўхшашликлар мавжуд.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар умумий қоида бўйича ўзаро келишув, битим асосида белгиланади. Бундай битимда турли масалалар, асар нашр этилганда зарварақда қайси ҳаммуаллиф исми-шарифи қандай тартибда ёзилиши, қалам ҳақини тақсимлаш ва ҳоказолар кўзда тутилиши мумкин.

⁶ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: “Адолат”, 2000 йил. 401-бет.

Агарда ҳаммуалилфлар ўзаро келишувга эриша олмасалар, низо суд томонидан ҳал этилади.

Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларни тузувчилар ҳосила асарнинг муаллифи деб эътироф этилади. Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамланма асарга киритилган асар муаллифининг ҳуқуқларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан унинг муаллифининг шахсий ҳуқуқлари деганда, мулкӣ мазмунга эга бўлмаган, ушбу натижага нисбатан ижодкор-яратувчи сифатидаги мавқеини эътироф этиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган мутлақ ҳуқуқлари тушунилади ва ҳуқуқлар муаллифнинг фақат ўзигагина тегишли бўлиб, бошқа бировга етказилиши, яъни муаллифдан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Шахсий ҳуқуқлар мазмуни, доираси ҳар бир интеллектуал фаолият натижаси учун алоҳида ўзига хос тарзда белгиланади. Масалан, муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан муаллиф шахсий ҳуқуқлари доираси кенг (муаллифлик ҳуқуқи, номга бўлган ҳуқуқ, асар дахлсизлиги бўлган ҳуқуқ ва ҳоказо). Баъзи объектлар бўйича эса (масалан, селекция ютуқларида) шахсий ҳуқуқ объект муаллифи сифатида тан олинishi ҳуқуқи билан кифояланади.

Интеллектуал фаолият натижалари муаллифи шахсий ҳуқуқлари билан бир қаторда, ушбу натижага нисбатан мулкӣ ҳуқуқларга ҳам эга. Мулкӣ ҳуқуқ мазмуни муаллифнинг ушбу ўзи яратган интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиши, бошқаларга ҳақ эвазига фойдаланишга бериш ёки ҳақ эвазига фойдаланиш учун рухсат бериш ёхуд ҳақ эвазига фойдаланиш учун рухсат бериш ёхуд ҳақ эвазига бу натижага нисбатан ҳуқуқларни бошқаларга етказиш имкониятлари билан белгиланади.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳажми тўлиқ ёки чекланган бўлиши мумкин. Интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар (ФКнинг 1034-моддаси) муаллифнинг ўзига эмас, бошқа шахсга тегишли бўлса, муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижасига мулкӣ ҳуқуқлари чекланган

характерга эга бўлади (масалан, муаллифлик ҳуқуқида эргашма ҳуқуқ ёки улуш ҳуқуқи селекция ютуқлари бўйича селекционерларнинг патент эгасидан мукофот олиш ҳуқуқи, ихтирочининг ихтиродан илмий-тадқиқот ва шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳоказо).

Шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкый ҳуқуқларидан қатъи назар, тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкый ҳуқуқлар бошқа шахсларга ўтган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий ҳуқуқлар фақат ижодкор яратувчи (муаллиф)нинг ўзига тегишли бўлади, мулкый ҳуқуқлар эса, учинчи шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин (масалан, объект буюртма асосида яратилганда). Мулкый ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида фаол ҳаракатда бўлиши; у бошқаларга ҳақ эвазига ёки текин ўтказиши, гаров предмети бўлиши, мерос тартибида ўтиши мумкин. Шахсий ҳуқуқлар эса ижодкор-муаллифнинг шахси билан боғлиқ, ундан бегоналаштирилиши, бировга ўтказилиши мумкин эмас. Бинобарин, интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мулкый ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида қандай ҳаракатда бўлишида қатъи назар, шахсий ҳуқуқлар фақат ижодкор -муаллифнинг ўзида сақланиб қолади ва мулкый ҳуқуқлардан фойдаланувчилар ижодкор-яратувчи (муаллиф)нинг шахсий ҳуқуқларига риоя қилишлари шарт. Масалан, асарга нисбатан мутлақ ҳуқуқни сотиб олган нашриёт асарни нашр этишда муаллиф номини кўрсатиши, асар дахлсизлигига риоя қилиши лозим.

Муаллиф асарларидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчилар) фойдаланиши муаллифлик шартномалари асосида амалга оширилади. Асардан фойдаланишнинг шартномавий шакли муаллифнинг ҳам шахсий ҳам мулкый ҳуқуқларини ҳимоялаш ва ундан фойдаланишда бошқа усуллардан кўра мукаммал ҳимояни таъминлайди. Шартномавий шакл фойдаланувчининг ҳам манфаатига мос келади, чунки улар асардан фойдаланишда бошқа шахсларнинг ҳуққи бўлмаган муайян ҳуқуқларни олади ва бу билан асарни оммавийлаштириши ҳамда ўз ҳаражатларини қоплаб фойда олиши мумкин

бўлади. Ва ниҳоят, муаллифлик шартномаси асосида фойдаланишда жамият ҳам тўлиқ манфаатдор бўлади, чунки бундай тартиб унинг аъзоларини ижодий акивлигини таъминлайди ва жамиятнинг маънавий бойлигини оширишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”¹ги қонунда муаллифлик шартномасига қуйидагича таъриф берилган: муаллифлик шартномаси бўйича муаллиф асардан фойдаланиш учун ҳуқуқини шартномада келишилган шартлар асосида бошқа томонга беради. Муаллифлик шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга ва бошқа турдаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар сингари эркиндир. Ушбу хулоса нафақат назарий балки катта амалий аҳамиятга эга. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқий муносабатларга фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари (масалан, битимнинг ҳақиқий саналиш шартлари) билан бирга мажбурият ҳуқуқи бўлимининг қоидалари масалан, шартномаларни тузиш ва ижро этиш ҳамда мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик асослари ва ҳ.к.

Хусусиятига кўра, муаллифлик шартномаси консенсуал, ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар таркибига киради. Юридик адабиётларда муаллифлик шартномасининг табиати юзасидан бир қатор тортишувлар мавжуд. Тортишувнинг моҳияти муаллиф асардан фойдаланиш бўйича контрагентга ўзининг мулкӣ ҳуқуқини топширадими ёки бўлмаса ундан маълум доирада фойдаланиш юзасидан рухсат берадими деган масала кўндаланг қўйилади. Шу муносабат билан юридик адабиётларда ўтказиш назарияси ва рухсат бериш назарияси ўртага ташланади ва етарлича талқин қилинади. Амалдаги қонунчиликда асардан фойдаланиш ҳуқуқининг муаллифдан бошқа шахсга ўтиши ушбу масала бўйича ҳуқуқни ўтказиш назарияси томонга ҳал қилиниши қайд этилади.

Муаллифлик шартномаси эркинлиги тамойили томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда шартноманинг бошқа шартларини келишишга эркинлигидан келиб чиқади. Шу билан бирга амалдаги қонунчилик

¹ Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент.: “Адолат”. 1997й.

муаллифлик шартномасига диспозитив ва императив қоидалар кўринишида бўлишлигини тақазо этади. Диспозитив характердаги қоидалар шартномада у ёки бу масала ечилмай қолган тақдирда қўлланилади. Масалан, шартнома бўйича ўтказилаётган ҳуқуқнинг территорияси Ўзбекистон Республикаси билан чегараланади, агарда муаллифлик шартномасида ўтказилаётган ҳуқуққа нисбатан ҳудуд бўйича шартлар белгиланмаган бўлса.

Императив қоидалар ёки муаллифлик шартномасига маълум шартларни киритишни ман этади, ёки имкон қадар ўз муносабатларини томонларни конкрет вариант танлашда алоҳида масалаларга рухсат этилади. Масалан, қонунда муаллифнинг келгусида ушбу мавзуда ёки ушбу доирада асар яратишига тўсқинлик қилиб ҳуқуқини чекловчи муаллифлик шартномасининг ҳақиқий саналмаслигини қайд этади.

Муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўлган баъзи асарлар бевосита учинчи шахслар томонидан ижро этилиши (балет, спектакль кўринишида) лозим бўлади. Ижрочилар ва ижрони ташкил этувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўз характерига кўра ижодий фаолият ҳисобланади, бироқ бунда ижодий фаолият услуби, характери ва маҳсуллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, шу сабабли ҳам у муаллифлик ҳуқуқига туташ, муштарак бўлган турдош ҳуқуқлар орқали тартибга солинади. Турдош ҳуқуқлар сахна асарларига, ижрога, ижронинг аудио ва видео ёзувига, эфир ва кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришларига татбиқ этилади. БИнобарин, асарнинг ижролари, ижронинг аудиовизуал ёзувлари, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувлар турдош ҳуқуқлар объекти ҳисобланади. Турдош ҳуқуқлар субъекти бўлиб, ижрочилар, асарнинг ижро ёзувини яратувчилар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар ва уларни узатувчи ташкилотлар ҳисобланади (шунингдек, уларнинг меросхўрлари ва ҳуқуқий ворислари ҳам).

Яратилиш факти сабабли ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган объектларга нисбатан муаллиф ҳуқуқлари ушбу яратилиш факти асосида вужудга келади ва расмийлаштирилган ҳуқуқий ҳолатларга риоя этилиш талаб қилинмайди. Ваколатли давлат органи

томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида ҳуқуқий муҳофаза остига олинадиган интеллектуал мулк объектларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ҳужжати ёки бошқа ҳужжат асосида гувоҳлантирилади. Масалан, “Селекция ютуқлари ҳақида”ги қонуннинг 4-моддасига асосан Патент идораси томонидан ўз яратган объектига нисбатан патент эгаси бўлмаган ҳар бир селекциячига муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи селекцияси гувоҳномаси бералади.

Барча шахсий ҳуқуқлар каби муаллиф-яратувчи ҳуқуқлари бемуддат ҳимоя қилинади.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида мутлақ ҳуқуқлар дейилганда бундай ҳуқуқ соҳиблари (эгалари)ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва ш.к.) бўйича ҳақдорлиги, ваколатлилигини ва айна вақтнинг ўзида бошқа ҳар қандай шахсларга бундай юқорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишнинг тақиқланишини таъминловчи субъектив мутлақ ҳуқуқ тушунилади⁷. Мутлақ ҳуқуқлар ҳуқуқий механизми одатдагидек эгаллаб туриши мумкин бўлмаган, бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳиби мулкӣ ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминловчи муҳим воситадир, бироқ мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқлар асло айний тушунчалар эмас, уларнинг фарқлари ҳақида юқорида муфассал тўхтаб ўтилган эди.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ҳар қандай усулда мутлақ қонунӣ фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Ушбу мутлақ ҳуқуқлар ўз характери ва мазмунига кўра мулкӣ ҳуқуқ ҳисобланади.

⁷ Гражданское право. М., Бек., 1994, Т. 1, 314-бет

Интеллектуал мулк объектидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш дейилганда ҳуқуқ соҳибининг ўз эрки, иродаси билан, ҳеч қандай мажбуриятсиз, тазйиқларсиз фойдаланиш тушунилади.

Объектлардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш дейилганда ундан турли объектив шаклда-қўлёзма, босма асар, аппарат, қурилма, этикетка, ҳар хил ёрлиқлар, макет, иншоотлар, ҳайкаллар ва шу кабиларда ҳамда турли воситалар ёрдамида қўлёзма шаклида тарқатиш, нашр этиш, оғзаки ўқиш, реклама проспектларига жойлаштириш, қурилишларда мужассамлаштириш ва ҳоказо усулларда эксплуатация қилиш, фойдаланиш тушунилади.

Объектдан фойдаланиш шакллари ва усуллари қонун йўл қўйган асосларга тўла мувофиқ бўлиши шарт. Бунинг учун мутлақ ҳуқуқ соҳиби белгиланган талабларга риоя қилмоғи шарт. Масалан, янги ихтиро асосида автомобиль ясаган ихтирочи бу автомобилни тегишли давлат идораларида (масалан, Давлат автомобиль инспекциясида) қайд эттирган бўлиши шарт. Спиртли ичимликлар, тамакимахсулотларига нисбатан товар белгилари болалар муассасаларида реклама проспектлари орқали жойлаштирилиши мумкин эмас. Янги дори-дармонлар яратган шифокор ундан фойдаланишда қонунда белгиланган талабларга риоя қилиши шарт. Акс ҳолда интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш қонуний фойдаланиш ҳисобланмайди.

Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойданишига фақат ҳуқуқ эгаси розилиги билан йўл қўйилади.

Агарда мутлақ ҳуқуқ бир неча шахсга тегишли бўлса (масалан, муаллифларга) учинчи шахслар мутлақ объектдан фойдаланиш учун барча ҳуқуқ соҳибаридан рухсат олмоғи шарт.

Мутлақ ҳуқуқ соҳибидан оинадиган учинчи шахсларнинг объектдан фойдаланишга розилиги очиқ-яққол ифодаланган бўлиши. тегишли ҳуқуқий шаклда расмийлаштирилган бўлиши шрт. Индамаслик, сукут розилик аломати ҳисобланмайди.

Кўпгина интеллектуал мулк объектларидан бир вақтнинг ўзида чексиз доирада учинчи шахсларнинг фойдаланиши имконияти мавжуд бўлади, бироқ учинчи шахслар бундай имкониятдан ҳар доим фақат мутлақ ҳуқуқ соҳибининг розилиги асосларидагина фойдаланишлари шарт.

Интеллектуал мулк объектидан мутлақ ҳуқуқ эгаси розилигини олмасдан фойдаланган учинчи шахслар тегишли фуқаролик-ҳуқуқий тартибда жавобгар бўладилар. Ҳуқуқ эгаи ўз ҳуқуқларини суд тартибидан ҳимоя қилишга, учинчи шахслардан ҳуқуқ бузилиш ҳаракатларини тўхтатишга, келтирилган ҳамма зарарни, шу жумладан, маънавий зарар қопланишинини учинчи шахслар ҳуқуқбузарлик натижасида олган барча даромад ва фойдаларни ўзига ундириб берилишини талаб қилишга ҳақли.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектидан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва агар ФК ҳамда бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Умумий қоидага кўра, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ мулк ҳуқуқ сифатида фуқаролик муомаласида фаол ҳаракатда бўлади. У турли битимлар ва шартномалар предмети бўлиши мумкин. Бинобарни, интеллектуал мулк объектига бўлган мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни ҳақ эвазига ёки текин ҳолда бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказиш (сотиш, ҳадя қилиш, маълум чекланган қоидада фойдаланишга рухсат бериш ва ҳоказо)га ҳақли.

Мутлақ ҳуқуқ тўлиқ ўтказилганда ҳуқуқ эгаси мутлақ ҳуқуқни тўлиқ ҳажмда учинчи шахсга ўтказди, демак, бу ҳуқуқни ўзидан тўла бегоналаштиради, натижада учинчи шахс мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳисобланади.

Мутлақ ҳуқуқ қисман ўтказилганда ҳуқуқ эгаи ўз ҳуқуқининг маълум қисмини йзида сақлаб қолган ҳолда, қолган қисмини учинчи шахсларга ўтказди.

Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисмн ўтказишни ҳуқуқий расмийлаштириш шартлари ва тартиби ФКнинг 1035-моддасида белгилаб қўйилган.

Интеллектуал мулк бъектидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига рухсат бериш бу объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳибининг ваколатига киради. Объектдан фойдаланишга рухсат беришда мутлақ ҳуқуқ шу ҳуқуқ соҳибининг ўзида қолади, ундан бегоналаштирилмайди, бунда учинчи шахсларда объектдан фойдаланиш ҳуқуқигина вужудга келади. Фойдаланиш шартлари ва тартиби мутлақ ҳуқуқ ва фойдаланувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси ўз ҳуқуқини ФК ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳар қандай тарзда тасарруф этишга ҳақли. Масалан, мутлақ ҳуқуқлар эгаси бу ҳуқуқларни ўз мажбурияти ёки учинчи шахслар мажбуриятларининг бажарилишини таъмилаш усули сифатида гаровга қўйиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби ўз ҳуқуқини қонунда ман этилган тарзда тасарруф қилишга ҳақли эмас. Ҳуқуқни тасарруф этишнинг қонун ман этган усули ФКда ёки амалдаги қонунларда бевосита кўзда тутилади. Масалан, конституциявий тузумга қарши, уруш, миллатлараро адоват, беҳаёликни тарғиб этувчи асарларни тарқатиш (ҳақ эвазига ёки текин) қонунга асаосан ман қилинади. ФКнинг 1101-моддасига асосан юридик шахс қайта ташкил этилмаган ёки бошқа шахсга ўтказилмаган ҳоллардан ташқари, юридик шахснинг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи бошқаларга ўтказилишига рухсат берилмайди.

Ижодий фаолият натижаси яратувчи бўлган муаллифнинг фақат ўзигагина тегишли бўлган, бошқа бировга ўтказилмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган мутлақ ҳуқуқлари доираси, турлари ва мазмуни ФКнинг 1033-моддасида белгилаб қўйилган.

Мутлақ ҳуқуқни уни амал қилиш даври бўйича чекланган муддатларда фойдаланиш учун бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага

нисбатан лицензия шартнома тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Бунинг маъноси шундан иборатки, ФКнинг 1035-моддаси 1-3-қисмларида кўзда тутилган қоидалар мутлақ ҳуқуқлар шартнома асосида ёки универсал ворислик тартибида бундай мутлақ ҳуқуқлар амал қилишнинг барча қолган муддати бўйича учинчи шахсга ўтиши назарда тутилган ҳолларга нисбатан тааллуқлидир. Агар мутлақ ҳуқуқлар эгаси бу ҳуқуқларни бошқа шахсларга вақтинчалик ўтказса (маълум чегараланиш муддат давомида), у ҳолда бундай шартнома лицензия шартномаси ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқлари каби турдош ҳуқуқлар ҳам ўз ҳимоя белгиларига эга. Ижро ёзувини яратган шахс ва ижрочи ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиши учун бундай белгидан фойдаланишлари мумкин. Аудиоёзув (овоз ёзиб олинган грампластинка, компактдиск ва ҳоказо) ёки видеоёзув (тасвир ёзилган видеокассеталар)нинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) улар сақланадиган ғилофда акс эттириладиган бу белги уч унсур (элемент)дан иборат:

Айланага олинган “Р” ҳарфи;

турдош мутлақ ҳуқуқлар эгасининг исм-шарифи (номи);

ёзув биринчи марта эълон қилинган йил.

Турдош ҳуқуқлар субъекталри ҳуқуқлари мазмуни ва ҳажми бир хил эмас, шу сабабли ҳам қонунда бу ҳуқуқлар алоҳида нормаларда ўз ифодасини топган.

Алоҳида фарқлаш белгилари (хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқлар интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан бўлган ҳуқуқлар каби икки турга, яъни шахсий ва мулкӣй характердаги турга бўлинади ва демак, унга икки хил характердаги ҳуқуқ сифатида қаралади. Бинобарин, алоҳида фарқлаш белгилари (хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқ соҳибининг ҳуқуқи нафақат мулкӣй, айни вақтда шахсий характерда ҳам бўлади. Бироқ бу ҳуқуқ маълум тартибда ва шартларга риояси қилинган ҳолда ҳақ эвазига ёки текин, вақтинча бошқаларга ўтказилиши, фойдаланиш учун берилиши мумкин бўлади (фирма номига бўлган ҳуқуқдан ташқари).

Муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиши ҳуқуқи) шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади.

Интеллектуал фаолият натижасида ихтиро ёки асарни ўз ақлий, ижодий фаолият меҳнати билан яратган шахс ушбу натижанинг муаллифи деб тан олинади, эътироф этилади. Бу ҳуқуқ ижодий фаолият маҳсулига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи деб аталиб, барча қолган шахсий ҳуқуқларнинг ўзагина ташкил этади, бошқа шахсий ҳуқуқлар ушбу ҳуқуқ мавжуд бўлган тақдирдагина, ундан келиб чиқувчи ўзига хос ҳосила иккиламчи ҳуқуқ ҳисобланади. Муаллиф сифатида тан олишга бўлган ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра, шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади, яъни у, биринчидан, ижодкор-яратувчи шахси билан боғлиқ, иккинчидан, мулкӣ-иқтисодӣ мазмунга эга эмас, учинчидан, ҳуқуқ соҳибининг ўзидан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Бундай ҳуқуқ ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади. Ижодий хусусиятларга эга бўлмаган, одатдаги, механик характердаги меҳнати билан ижодий фаолият натижасини яратишда қатнашган шахслар муаллиф ҳуқуқига эга бўлмайди (масалан, ихтирочи чизмаси асосида ихтиро қурилмасини ясаган чиланган ва ҳоказо).

Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, берилмайди. Ижодий фаолият натижасига нисбатан муаллиф ҳуқуқи ижодкор яратувчининг ўзигагина тегишли, унинг ўзидан ҳар қандай тарзда, ҳар қандай асосда бегоналаштирилиши, бошқа бировга ўтказилиши мумкин эмас. Шу сабабдан муаллифлик ҳуқуқини битим ёки шартнома асосида бошқа бировга ўтказиш (сотиш, ҳадя қилиш) ёки ундан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш муаллифнинг ўз эрки, ихтиёри ва хоҳиши билан содир бўлса ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди. Бинобарин, бир шахс иккинчи шахс учун унинг номидан диссертация ёзиб бериши, асар ёзиб бериши ҳақидаги келишувлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва қонунга номувофиқ битим саналади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида интеллектуал мулк

объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Агар ижодий фаолият натижаси (ихтиро, асар) икки ёки ундан ортиқ шахсининг биргаликдаги меҳнати билан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар ҳисобланади. Ҳаммуаллифлар шахсий ҳуқуқлари умумий қоидалар бўйича тенг ҳажмда бўлиши эътироф этилади. Мулкӣ ҳуқуқлар ҳажми эса ҳаммуаллифлар ўртасида ўзаро келишув асосида белгиланади ва нотенг ҳажмда бўлишига йўл қўйлади. Интеллектуал мулкнинг айрим объектларига нисбатан қонунда асарнинг тўлалигича ҳаммуаллифлари бўлиб ҳисобланадиган шахслар доираси чеклаб қўйилиши мумкин. Ушбу қоида интеллектуал мулк объектини яратишда ғоят кўпчилик қатнашадиган турларга нисбатан амал қилади. Масалан, кинофильм худди шундай объект ҳисобланади. Бу жараёнда кўпчилик ўз ижодий меҳнати билан қатнашса-да, кинофильм муаллифи бўлиб сценарий муаллифи, сахналаштирувчи режиссёр, бош оператор, бош расм ва шу каби чекланган доирадаги шахслар ҳисобланади.

1.2. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари доирасига фан, адабиёт ва санъат асарлари киради. Ушбу асарларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади. Бунда бадиий ва илмий жиҳатдан қиймати юқори бўлган асарлар ва қиймати унчалик баланд бўлмаган асар бир хилда ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланадиган асар учинчи шахслар уни идрок этиши мумкин бўлган шаклда ифодаланган бўлиши керак. Фуқаролик ҳуқуқида бундай шакл объектив шакл, -деб номланади. Объектив шакл оғзаки, ёзма ёки муайян ҳаракатлар орқали ифодаланади. Шу билан бирга инсон идрок қилиши мумкин бўлган бошқа шакл ҳам объектив шакл саналади.

Ёзма шаклдаги ёки моддий жисмда бошқача усулда ифодаланган асар (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзувлар, техника воситалари ёрдамидаги ёзув, шу жумладан аудио ёки видео ёзув, икки ўлчовли ёки ҳажмий-фазовий шаклда яратилган тасвир ва ҳоказо), ундан учинчи шахсларнинг фойдаланиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, объектив шаклга эга деб ҳисобланади. Масалан, китоблар, кино тасмалари ва шу кабилар.

Оғзаки ёки моддий жисмда ифодаланмаган бошқа асар, агар у учинчи шахслар идрок эта оладиган ҳолга келган бўлса (омма олдида сўзлаш, оммавий ижрочилик ва ҳоказо), объектив шаклда ифодаланган ҳисобланади. Масалан, шоирнинг янги шеърини кўпчилик олдида ёддан ўқиб бериши, пантомимо ва шу кабилар.

Муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида тан олинishi учун асар эълон қилиниши талаб этилмайди. Асар эълон қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъи назар ҳуқуқий муҳофаза этилади. Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа бирон-бир расмий тасдиқлаш риоя этиш талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги «Муаллифлик ҳуқуқ ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги Қонунинг 6-моддасига мувофиқ, муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига қуйидагилар киради:

- адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);
- драматик ва сценарий асарлар;
- матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;
- мусиқали-драматик асарлар;
- хореография асарлари ва пантомималар;
- аудиовизуал асарлар (кино, теле ва видео фильмлар, слайд фильмлар, диафильмлар ва бошқа хил кино, теле ҳамда видео асарлар), радио асарлар;

- рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари;

- манзарали-амалий ва сахна беағи санъати асарлари;

- архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;

- фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

- жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тархлар, эскизлар ва асарлар;

- барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари;

- ФКнинг 1041-моддасида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа асарлар (ФКнинг 1042-моддаси).

Муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланадиган асарларнинг қисмлари, уларнинг номи ва ҳосила асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектларидир.

ФКнинг 1043-моддасига мувофиқ, ҳосила асарлар жумласига қуйидагилар киради:

- бошқа асарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил этилган асарлар (ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар ҳамда фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги шунга ўхшаш бошқа асарлар);

- таржималар;

- материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумот базалари) ва бошқа жамлама асарлар.

Ҳосила асарларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки улар ўз ичига олган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, ҳосила асарлар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди:

- расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, тўхтамлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;
- расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);
- халқ ижодиёти асарлари;
- оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;
- инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштирокисиз, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойиҳани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишлидир.

Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларини ишлаб чиққан шахслар, башарти бундай лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берган орган томонидан тақиқланмаган бўлса, ўзлари яратган лойиҳаларни эълон қилишга ҳақлидирлар. Лойиҳани эълон қилишда уни ишлаб чиққан шахслар ўз исмларини кўрсатишга ҳақлидирлар.

Ваколатли орган расмий ҳужжат тайёрлаш учун лойиҳадан, башарти лойиҳа уни ишлаб чиққан шахс томонидан эълон қилинган ёки тегишли органга юборилган бўлса, мазкур шахснинг розилигисиз фойдаланиши мумкин.

Лойиҳа асосида расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгилар тайёрлаш чоғида расмий ҳужжат, рамз ёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойиҳага қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Ваколатли орган лойиҳани маъқуллаганидан кейин лойиҳадан уни ишлаб чиққан шахснинг исми-шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш мумкин.

1.3. Асар муаллифи ва ҳаммуаллифлик

Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади. Бунда жисмоний шахснинг муомалага

лаёқатлилиги, маълумоти, ёши, салоҳияти аҳамиятга эга эмас. Юридик шахслар ва давлат муаллиф бўлишлари мумкин эмас.

Асар биринчи марта эълон қилинганда муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқида бу ҳолат “муаллифлик презумпцияси” – деб юритилади.

Шу билан бирга асар имзосиз ёки таҳаллус остида эълон қилиниши ҳам мумкин. Бу ҳолатда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ҳолатда бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунича ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунича амалда бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи шу фуқароларга биргаликда тегишли бўлади. Бунда мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади. Масалан, муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган дарслик, Ильф ва Петров томонидан ёзилган “12 стул” асари ва бошқалар.

Ҳаммуаллифлик асосида яратилган асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, башарти уларнинг ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир. Масалан, жиноят ҳуқуқи дарслигининг “Жазо тайинлаш” мавзусини ёзган муаллиф агар ушбу мавзу бошқа дарсликнинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаса унинг муаллифи бошқа муаллифларнинг розилигисиз асарни мустақил тасарруф этишга ҳақли.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, келишув асосида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади. Шунингдек, ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб таққлаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас.

Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларнинг тузувчилари тегишинча ҳосила асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилади. Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамлама асарга киритилган асар муаллифининг ҳуқуқларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади. Ҳосила асарлар яратувчиларининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг муқаддам фойдаланилган асарлар асосида ўз ҳосила асарларини яратишига тўсқинлик қилмайди.

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (энциклопедияларнинг ноширлари, фильмларнинг тайёрловчилари, продюсерлар ва шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари ҳисобланмайдилар. Бироқ бундай шахслар ана шундай асарлардан фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга эга бўладилар. Масалан, бадиий фильм продюсери киноасар намоишидан тушган даромаддан ўзига хос улуш олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Энциклопедиялардан, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ва бошқа даврий нашрлардан фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқлари уларнинг ноширларига тегишлидир. Бундай нашрдан ҳар қандай тарзда фойдаланилганида ҳам ношир ўз номини кўрсатишга ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, башарти асар яратишга доир шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, тўлиқ нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган алоҳида ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Аудиовизуал асар, шу жумладан фильм яратиш хусусида шартнома тузиш, башарти бундай шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, мазкур асар муаллифларининг асарни такрорлашга, уни тарқатишга, омма олдида ижро этишга, барчанинг эътиборига етказиш учун кабель орқали беришга, эфирга узатиш ёки асардан бошқа ҳар қандай тарзда оммавий фойдаланишга, фильм матнини субтитрлаш ва дубляж қилишга бўлган алоҳида ҳуқуқларининг асарни тайёрловчига ўтишига олиб келмайди. Мазкур ҳуқуқлар аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати давомида амал қилади.

Фильм тайёрловчиси бу асардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганида ҳам ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга ёхуд исми-шарифи ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир. Фильм омма олдида намойиш этилганида муסיқа асарининг муаллифи ўзининг муסיқа асари (матнли ёки матнсиз) омма олдида ижро этилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Фильм муаллифи ва фильмга бўлган мулкый ҳуқуқнинг бошқа эгалари розилигисиз фильмнинг охириги вариантыни (ёзувнинг асл нусхасини) йўқ қилиб юбориш тақиқланади.

Муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор этиш учун асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттириладиган ва қуйидаги уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин:

- айлана ичига олинган лотинча “С” ҳарфи;
- алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи);
- асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисида кўрсатилган шахс, башарти бошқа ҳол исботланмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси ҳисобланади.

1.5. Муаллифнинг шахсий номулкый ҳуқуқлари

Асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкый ҳуқуқлар тегишлидир:

- муаллифлик ҳуқуқи;
- муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ;
- асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Муаллиф (хаммуаллифлар) нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айна шу асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф қилинишини истисно этади. Фақатгина жисмоний шахслар муаллиф бўлишлари мумкин.

Муаллиф асардан ўз исми, таҳаллусини кўрсатган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга рухсат бериш борасидаги алоҳида ҳуқуққа (муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа) эгадир.

Муаллиф ўз асарига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда асарга ўзининг розилигисиз бирон-бир шахс томонидан ўзгартишлар ёки қўшимчалар киритилишидан асарини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида ҳуқуққа (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа) эгадир.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига ҳам, унинг номига ҳам, муаллифнинг номи кўрсатилишига ҳам бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар билан, сўзбоши, хотима, шарҳ ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса муаллифнинг меросхўрлари, шунингдек қонунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Муаллиф аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига имкон яратиб бериш ҳуқуқига (асарни эълон қилиш ҳуқуқига) эгадир.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш, оммага намойиш этиш йўли билан ёки бошқа тарзда оммавийлаштириш орқали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан

фойдаланиши учун биринчи бор имкон яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади.

Муаллиф асарни эълон қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарнинг ўрнини, шу жумладан олинмай қолган фойдани қоплаш шарти билан воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Башарти асар эълон қилинган бўлса, муаллиф ўз асарини чақириб олганлигини оммага маълум қилиши шарт. Бунда муаллиф асарнинг аввал тайёрлаб қўйилган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, башарти муаллиф билан тузилган шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга эгадир.

Асарни такрорлаш ва уни тарқатиш, бошқа йўллар билан реализация қилиш, хусусан:

- асарни омма олдида намоёиш этиш (кўргазмага қўйиш, экспонат сифатида кўрсатиш);
- асарнинг моддий жисмини ташкил этувчи нусхасини ижарага бериш;
- асарни омма олдида ижро этиш;
- асарни эфирга узатиш (радио ёки телевидение орқали трансляция қилиш), шу жумладан кабель ёки алоқа йўлдоши орқали бериш;
- асарни техника ёрдамида ёзиб олиш;
- асарнинг техникавий ёзувини эшиттириш ёки кўрсатиш, шу жумладан радио ёки телевидение орқали; асардан кейинчалик фойдаланиш мақсадида уни таржима қилиш ёки қайта ишлаш;
- шаҳарсозлик, архитектура, дизайн лойиҳасини амалий рўёбга чиқариш асардан фойдаланиш ҳисобланади.

Асарга унинг объектив шаклини, ақалли асл нусхасида қандай бўлса, шу ҳолдаги шаклини қайта бериш (асарни нашр этиш, аудио ёки видеоёзувлардан нусха кўпайтириш ва шу кабилар) асарни такрорлаш ҳисобланади.

Асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки улар иштирокида бошқа амалларни бажариш, шу жумладан уларни импорт қилиш асарни тарқатиш ҳисобланади.

Башарти асарнинг нусхалари қонунга асосан бошқа шахсга берилган бўлса, уларни кейинчалик муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда тарқатишга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асар фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўлланиш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганликни англатмайди.

Биринчи марта Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган ёки чоп этилмаган бўлса-да, асл нусхаси бирон-бир объектив шаклда унинг ҳудудида турган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Бундай ҳолда муаллифлик ҳуқуқи муаллифга ва унинг меросхўрларига, шунингдек фуқаролигидан қатъи назар, муаллифнинг бошқа ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асари биринчи марта чет давлат ҳудудида чоп этилган ёки бирон-бир объектив шаклда ана шу давлат ҳудудида турган бўлса, бундай асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига, худди шунингдек уларнинг меросхўрлари ва бошқа ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Муаллифга халқаро шартномаларга мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя берилиши пайтида асарнинг чет давлат ҳудудида чоп этилганлиги тегишли халқаро шартнома қоидаларига биноан аниқланади.

Асарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳимоя қилиш мақсадида асарнинг муаллифи деб эътироф этиладиган шахс асар биринчи марта қайси давлатнинг ҳудудида ҳимоя қилина бошлаган бўлса, шу давлатнинг қонунларига биноан аниқланади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи чоп этилганлиги ёки этилмаганлигидан қатъи назар, асарга учинчи шахслар идрок эта оладиган объектив шакл берилган вақтдан бошлаб амал қилади. Оғзаки асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бу асар учинчи шахсларга маълум қилинган вақтдан бошлаб амал қилади.

Башарти асар ФКнинг 1063-моддаси қоидаларининг таъсир доирасига кирмаса, бундай асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, башарти у Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган бўлса, биринчи марта эълон қилинган пайтдан бошлаб ҳимоя қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Биринчи марта таҳаллус остида ёки имзосиз чоп этилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Башарти ана шу муддат ичида имзосиз ёки таҳаллус остида чоп этилган асар муаллифининг шахси маълум бўлиб қолса, ушбу модданинг биринчи қисмида айtilган муддатлар қўлланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган муддатлар давомида муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг меросхўрларига тегишли бўлади ва мерос бўйича бир шахсдан бошқа шахсга ўтади. Айтилган муддатлар ичида муаллифлик ҳуқуқи муаллиф билан, унинг меросхўрлари ва кейинги ҳуқуқий ворислари билан тузилган шартнома бўйича бу ҳуқуқни олган ҳуқуқий ворисларга тегишли бўлади.

Муаллиф вафотидан кейин эллик йил ичида биринчи марта чоп этилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Муаллифлик, муаллифнинг исми ва асарнинг дахлсизлиги муддатсиз ҳимоя қилинади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин асар ижтимоий мулкка айланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон ҳимоя билан таъмин этилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади.

Ижтимоий мулк ҳисобланган асардан ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқига, муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа ва асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа риоя этилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули”,Т. “Ўзбекистон” 1992 йил.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон-бзор муносабатларига утишнинг узига хос йули” Т. “Ўзбекистон” 1994 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т, 1992 йил “Адолат” нашриёти.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Тошкент. “Адолат”. 1997й.
5. Ўзбекистон Республикаси ФКга шархлар. Т., “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1997 йил. 1, 2, 3-томлар.
6. И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. дарслик. Тошкент. “Адолат”. 1996й.
7. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 1999й.
8. Международнѐе конвенции по авторскому праву. Комментарий. - М.: Юр. лит. 1982. -231стр.
9. Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун.
- 10.Ўзбекистон Республикаси ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги қонун.
- 11.О.Окюлов “Ижодий мулк – миллий бойлик” “хаёт ва қонун” 1994 йил 6-сон.
- 12.Окюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности. Т. 1999г.
- 13.Б.Тошев. Муаллифлик ҳуқуқи. Т., “Ўқитувчи”. 1997й.
- 14.Гражданское право. Т.1. //Под ред. Е.А.Суханова. -М.: Изд. БЕК. 1993. -384стр.
- 15.Гражданское право. Т.2. //Под ред. Е.А.Суханова. -М.: Изд. БЕК. 1994. -432стр.
- 16.Гражданское право. Т.3. //Под ред. А.П.Сергеева. Ю.К.Толстого. -М.: Проспект. 1998. -592стр.